



Маккада нозил бўлган, 7 оятдан иборат

Бу суранинг бир неча номи бўлиб, шулардан бири «Фотиха», яъни «очувчи» деганидир. Чунки Куръони Карим ушбу сура ила очилади. Фотиха сураси жуда хам фазилатли сура бўлиб, бу ҳақда бир канча ривоятлар келтирилган. Имом Ахмад ибн Ханбал ривоят қилган ҳадиси шарифда: Убай ибн Каъб Пайгамбар алайҳиссалом хузурларида «Фотиха» сурасини ўқидилар, шунда ҳазрат: «Менинг жоним тасарруфида бўлган Зот. У Зот билан касам ичаманки, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, Забурда ҳам, Фурконда (Куръонда) ҳам бунга ўхшаш туширилмаган», дедилар.

«Фотиха» сураси оятларининг тафсирига киришишдан олдин, Куръони Каримга оид энг машхур икки истилоҳ; оят ва сура сўзларининг лугавий ва истилохий маънолари ила танишиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Оят» сўзининг бир неча лугавий маъноси бор:

1. «Мўъжиза». Аллох таоло Бакара сурасида: «Бани Исроилдан сўрагин, Биз уларга канча очик-ойдин оят-мўъжиза берган эканмиз», деган.
2. «Белги-аломат». Аллох таоло Бакара сурасида: «Албатта унинг мулкининг оят-белгиси, сизларга Роббингиздан ичида сакина бор тобут келишидир», деган.
3. «Ибрат». Аллох таоло Бакара сурасида: «Албатта, бунда оят-ибрат бордир», деган.
4. «Ажойиб иш». Аллох таоло Мўминун сурасида: «Ва Биз Ибн Марямни ва унинг онасини оят-ажойиб иш қилдик», деган.
5. «Бурхон, далил». Аллох таоло Рум сурасида: «Осмонлару ернинг яратилиши ва тилларингизу рангларингизнинг турли бўлиши, Унинг оят-далиллариандир», деган.
6. «Жамоат». Арабларда, кавм ояти- жамоаси билан чикди, деган гап бор.
7. Куръон ояти.

Уламолар истилоҳида эса оят – Куръон сурасига кирган, бошланиши ва тугаши белгили сўзлар тоифасидир.

Шу билан бирга, Куръони Каримнинг ҳар бир ояти юкоридаги лугавий маъноларни ўз ичига олган бўлади. Ҳа, Куръони Каримнинг ҳар бир ояти мўъжиза, ибрат, ажойиб иш, белги-аломат, харф ва сўзлар жамоаси ва Аллох таолонинг кудрати далилидир. Куръони Каримнинг ҳар бир ояти, унинг аввали ва охири ҳақидаги илми Аллох таолодан Жаброил алайҳиссалом билган. У кишидан Пайгамбар алайҳиссалом, у Зотдан эса мусулмонлар ўрганганлар.

Куръони Каримдаги энг киска оят «Ясин» бўлиб, икки харфдан иборатдир.

Энг узун оят эса Бакара сурасидаги «Карз олди-берди» оятидир. Оятларни бир-биридан ажрата билиш, уларнинг бошланиш ва тугаш жойларини англаб етиш маъноларни яхши фахмлашга ва бошқа бир канча ишларда ёрдам беради.

Куръони Каримда оят сўзи кўплаб такрорланган. Оят сўзи баъзи бир жойларда юкорида зикр қилинган маъноларнинг ҳаммасини, иккинчи бир жойда икки-учтасини, учинчи жойда эса фақат биттасини ифода этиб келган. Ушбу нозик фарқни англаб етилгандагина маъно тўғри тушунилади.

«Сура» сўзи лугатда, кўргон, манзил ва шараф маъноларини англатади.

Уламоларимиз истилоҳида эса сура – Куръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Куръон оятларининг кўргон ила ўралгандек бир тоифасига сура, дейилади.

Куръони Каримдаги энг киска сура Кавсар сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура Бакара сураси бўлиб, 286 оятдан иборатдир.

АЪУУЗУ БИЛЛАХИ МИНАШ ШАЙТОНИР РОЖИЙМ

Кувилган Шайтон ёмонлигидан Аллох панохини сўрайман.

Шайтон Аллохга исён килиб, Одам Атога куллуқ килмай гунохкор бўлгани учун Аллох уни лаънатлаган, хузуридан кувган ва раҳматидан узок килган. Мазкур маънолар барчаси «рожийм» сўзида ўз ифодасини топган. Аллох таоло Куръони Каримда:

«Агар Куръон ўқисанг, Шайтонир рожийм ёмонлигидан Аллох панохини сўрагин», деган. Шунинг учун хар бир Куръон ўқувчи киши кироатни, «Аъузу биллахи минаш-шайтонир рожийм» билан бошламоги лозим, бўлмаса, гунохкор бўлади.

1. Бисмиллахир рохманир рохийм.

Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи ила бошлайман.

Аллох таоло ўз китобини «Бисмиллах» билан бошлагани мусулмонларга ҳам ўрнак, улар ҳам доим ўз сўзларини ва ишларини «Бисмиллах» билан бошламоқлари лозим. Пайгамбар алайхиссалом ўз хадисларидан бирида: «Эътиборли хар бир иш «Бисмиллах» билан бошланмас экан, унинг охири кесикдир» деганлар. Яъни унинг баракаси бўлмайди, охирига етмайди, деганидир.

2. Барча мактов, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллохга бўлсин.

Оламларни яратгани учун ҳам, уларнинг тарбиячиси бўлгани учун ҳам, улардаги барча жонзотларга ҳаёт, ризки рўз бериши учун ҳам Аллох барча ҳамду саноларга сазавордир.

3. У Роҳман ва Роҳиймдир.

«Роҳман» сифати фақат Аллохга хос бўлиб, барчага: кофирга ҳам, мўминга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи, маъносини англатади. Роҳман сифатини Аллох таолодан бошқа ҳеч кимга нисбатан ишлатиб бўлмайди.

«Роҳийм» сифати эса хосроқ бўлиб, киёмат куни фақат мўминларга раҳм килувчи маъносини англатади ва Аллохдан ўзгаларга, жумладан, Пайгамбар алайхиссаломга нисбатан ҳам ишлатилади.

«Аллохнинг хулки билан хулкланинглар!» деган асарга асосланиб, уламоларимиз, бу оятни ўқиган хар бир киши раҳмли бўлишга уринмоги лозим, дейдилар.

4. У киёмат кунининг подшоҳидир.

Ушбу ояти қаримада киёмат куни, Явмиддин, деб номланган. Дин сўзи арабчада ҳисоб, жазо, муқофот маъноларини билиради. Явмиддин – киёмат кунида барча бандалар қайта тирилтирилиб, ҳисоб-китоб қилинади. Яхшига муқофот, ёмонга жазо берилади. Бу оятни ўқиганда киёматни эслаб, ўша дахшатли кунда фақат Аллохнинг Ўзи ҳукм чиқариши, ўша ерда уялиб қолмасликни эслаб, унга тайёргарлик кўришга аҳд қилинади.

5. Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз.

Бизда «ибодат» деганда, фақат намоз ўқиш, рўза тутиш, зикр, Куръон кироати каби нарсалар тушуниладиган бўлиб қолган. Тўғри, булар улкан ибодатлар, лекин аслида Аллохга манзур бўлган хар бир иш ибодатдир. Демак, инсон ўз ҳаётида Аллохнинг айтганини қилиб юрса, ибодатда юрган бўлади. Аллох ҳалол ризқ топ, деб буюрганми, демак, ҳалол ризқ топиш ҳаракатида юрганлар ибодатда бўладилар. Албатта, ҳалол ризқ топиш ибодат экан, деб бошқа нарсаларни тарқ қилмайди. Масалан, намоз ва рўзани тарқ қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Хулласи қалом «Ийяка наъбуду» «фақат Сенинг айтганингни қиламиз» маъносини англатади. Бу эса банд тарафидан Аллохга берилган улкан ваъдадир. Аллох таоло барчамизни ушбу ваъданинг устидан

чиқадиганлардан қилсин.

«Ийяка настаъин» ҳам худди шундай, фақат Аллоҳдангина ёрдам сўраш маъносини англатади. Одатда бирор ишга каттик уриниб, кучи етмай қолган тақдирда ёрдам сўрашга араблар «истиъона» сўзининг турли кўринишларини ишлатадилар. Ушбу оята қаримада, «Ийяка настаъин», дейилиши ҳам, ўзимиз имкони борича ҳаракат қилиб, имконини топа олмай қолганимизда, фақат Сендангина ёрдам сўраймиз, деган маънони билдиради. Ҳаракат қилмай қолганга бўлиб ётиб олган ҳолда, бировдан ёрдам сўралмайди. Мулоҳаза қилсангиз, иккала ишда ҳам: ибодат қилишда ҳам ва ёрдам сўрашда ҳам бирлик эмас, кўплик лафзи ишлатилипти, бу эса Исломда жамоатчилик, кўпчилик билан бўлиш руҳини акс этдиради.

6. Бизни тўғри йўлга хидоят қилгин.

Хидоятга – тўғри йўлга бошлаш, лугатда бирор нарсага лутф билан йўллаб қўйишга айтилади. Уламолар наздида шундай хидоятга – йўлга бошлаш бир неча даражали бўлар экан:

а) Аллоҳ инсонга қўшиб яратган туйғуларни хидоят-йўл кўрсатиши. Мисол учун, чакалокнинг, биров ўргатмаса ҳам, онасини эмиши, хавф яқинлашганда кўзини юмиши, қорни очганда йиглаши ва хоказолар ана шу хидоятлар жумласига қиради. Буни илмий тилда, тугма инстинкт, дейилади. Лекин бу тоифадаги хидоят инсоннинг барча талабларини қондира олмайди. Улар фақатгина баъзи бир эҳтиёжларни қондириши мумкин, ҳолос;

б) инсон аъзоларининг ҳис қилиши хидояти – йўл кўрсатиши: хидлаш, эшитиш, қўриш, ушлаб қўриш каби сезгилар орқали маълум бир нарсаларга хидоят топса бўлади, лекин булар ҳам қифоя қилмайди, ҳаммалари маълум бир чегарагача ярайди, ҳолос. Мисол учун кўз маълум узокликдаги ва маълум катталиқдаги нарсаларнигина кўра олади. Баъзида эса ҳис қилиш аъзолари хато қилиши ҳам мумкин. Мисол учун катта тезликда кетаётган кишига қизил чирок яшил бўлиб кўриниши ҳаммага маълум. Кўриниб турибдики, иккинчи тоифадаги хидоят биринчи тоифадаги хидоятдан устун ва тўлароқ бўлса ҳам, инсоннинг икки дунё бахт-саодати ила таъминлашга мутлақо етишмайди. Энди ундан ҳам муқамалроқ хидоят борми, деган савол пайдо бўлади. Бу саволга, ҳа, ундан ҳам муқамалроқ хидоят бор, у ақл хидоятидир, деб жавоб берилади;

в) ақл ёрдамида инсон юқорида зикр қилинган воситалар оғиз қолган нарсалардан хидоят топади, уларнинг хатосини тўзатади. Масалан: сувда бирор нарсанинг аксини синган ҳолатда қўриш мумкин, бу кўзнинг хабари, лекин ақл акс сувда шундай кўринаётган нарсанинг, аслида бутун, тўғрилигига хидоят қилади. Қасал одамга ширин таом ҳам нордон туюлиши мумкин, лекин ақл у тоам аслида ширин эканини билдиради. «Демак, ҳамма нарсани ақл орқали ажратиб саодат йўлини топиб кетса бўлар экан-да?» деган савол тугилади. Кўпчилик «Ҳа!» деб жавоб ҳам беради. Лекин муслмонлар «Ақл ҳам тўла хидоятга қодир эмас, дунёга назар солинг: ҳамма ақлни ишга солиб турли йўлга қиряпти ва ҳамма ўзиникини тўғри деб, даъво қилляпти. Лекин ҳаммалари бир-бирларига ҳилоф иш қиладилар. Кўпинча ақлга оғ бўладиган нарсаларни ҳам қонун-қоида қилиб олаверадилар. Шунинг учун ақлнинг ўзи инсонни икки дунё бахти-саодати йўлига етарли даражада хидоят қила олмайди. Ақлнинг устидан ҳам ҳукмини ўтказувчи хидоят бор», дейишади. У эса тўртинчи – энг олий даражадаги хидоятдир;

г) илохий-диний хидоят. Инсонни яратган Аллоҳ уни икки дунё саодатига эриштирувчи йўлни ҳам билади. Шунинг учун бандаларига диний кўрсатмалар юбориб, уларни тўғри йўлга солиб туради. Бу кўрсатмаларнинг сўнггиси Исломдир.

Шунинг учун ҳам мусулмонлар ушбу ояти каримани намозларида, доимий равишда ўкиб, Аллох таолодан хидоят сўраб, ўзлари эришган Ислом хидоятида бардавом килишини тилаб турадилар.

7. «Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), газабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас».

«Ўзинг неъмат берганлар»дан мурод – Пайгамбарлар, сиддиклар, шахидлар ва солих бандалардир.

«Газабга дучор бўлганлар»дан мурод – яхудийлардир.

Яхудийларнинг газабга дучор бўлишларининг сабаблари кўп, жумладан, уларнинг анбиёларни ўлдиришлари, Аллохга берган аҳдларига вафо килмасликлари ва хоказолар. Лекин уларнинг Аллохнинг газабига дучор бўлишларининг энг катта сабаби – билганларига амал килмасликлари. Аллох уларга илм берган, улар эса била туриб илмга амал килмаганлар. Демак, яхудийлар йўл қўйган хатони такрорламаслик керак.

«Адашганлар»дан мурод – насронийлар.

Насронийларнинг «адашганлар» бўлишларининг ҳам бир канча сабаблари бор. Энг асосийси – улар мақсадга эришиш йўлида Аллох кўрсатган йўлни эмас, ўзлари топган йўлни танлаганлар, яъни Исо Пайгамбар олдиларида ўзларини айбдор, деб билиб, уни рози киламиз, деб Аллох айтмаган ибодатларни ва ишларни, акидаларни ўзларича килганлар. Бу ҳам нотўғри йўл. Демак, оятнинг маъноси: «Эй Аллох, бизни ўтган анбиёю авлиё, азизларнинг йўлидан бошлагин, яхудий ва насронийлар йўлидан бошламагин», деганидир.

Бу сура оятлари оз бўлишига карамай, улкан маъноларни ўз ичига олган, шунинг учун ҳам «Уммул Куръон» – «Куръоннинг онаси» деб номланади. Унда Аллох таолога мактов, унинг сифатлари, киёмат куни эгасилиги, ибодат, ихлос, дуо, ёлвориш, яхши умматларнинг зикри ва ёмон йўлдан юрганларнинг оқибати нима бўлганлиги зикр килинади.

Шунинг учун ҳам намознинг хар бир ракъатида «Фотиха» сурасини ўқишга буюрилган, уни такрор-такрор ўкиб турилади. Ўқиганда маъносини тадаббур-мулохаза килиб ўқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Буюк ватандошимиз Имом Насайй машхур сахобий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят килган хадиси кудсийда (хадиси кудсий оят билан хадис ўртасидаги мартабага эга ривоят, унинг маъноси ва лафзи Аллох тарафидан бўлади, лекин ожиз колдириш, мўъжизалик хусусияти йўк) Аллох таоло айтади: «Намозни Ўзим билан бандам орасида иккига бўлганман, бандам нимани сўраса, бераман. Агар у (банда) : «Алхамду лиллахи роббил аламин» деса, Аллох: бандам менга хамд-шукр айтди», дейди.

Банда: «ар-Рохманир Рохийм», деса,

Аллох: «Бандам менга сано – мактов айтди», дейди.

Банда: «Малики явмиддин», деса,

Аллох: «Бандам мени улуглади», дейди.

Банда: «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн», деса,

Аллох: «Бу мен билан бандам орасидаги нарса, бандам нимани сўраса, бераман», дейди.

Агар банда: «Ихдинас сиротал мустакийм, сироталлазийна анъамта алайхим гойрил магзуби алайхим ва лаззооллийн», деса,

Аллох: «Бу бандамга хос, сўраганини бердим», дейди.